

ҚАХҲОР БАХШИ ИНДУВИДУАЛ ДОСТОНЛАРИНИНГ БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ

Гулбахар Фазилова

Ўзбекистон ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти мустақил
тадқиқотчиси (тел.:(91)-947-04-32

Аннотация: Мақолада Қаҳҳор бахши Раҳимовнинг индивидуал достонларининг ўзига хос жиҳатлари, сюжети, достондаги образларнинг бадиий талқини, достонларнинг яратилиши билан боғлиқ жараёнлар, достонларни куйлаш услуби, бахши маҳорати, инновацион ёндашувлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: фольклор, бахши, жанр, достон, достончилик, эпик, анъана, мактаб, сулола, экспедиция, репертуар, сюжет, дўмбира, ижрочилик.

Аннотация: В статье анализируются отличительные черты отдельных эпических произведений Каххора бахши Рахимова, их сюжет, художественная интерпретация образов в эпосе, процессы, связанные с созданием эпосов, стиль сочинения, мастерство бахши и новаторские подходы.

Ключевые слова: фольклор, бакши, жанр, эпос, эпос, эпос, традиция, школа, династия, экспедиция, репертуар, сюжет, домбра, представление.

Abstract: This article analyzes the distinctive features of individual epic works by Kakhhor Bakhshi Rakhimov, their plots, artistic interpretation of images in the epics, the processes associated with the creation of epics, the compositional style, the bakhshi's mastery, and innovative approaches.

Key words: folklore, bakshi, genre, epic, epos, tradition, school, dynasty, expedition, repertoire, plot, dombra, performance.

Қаҳҳор бахши Раҳимов анъанавий достонларни маромига етказиб, бадиий мукамал тарзда ижро этадиган ижодкор. У анъанавий достончиликда ўз устозлари йўлидан бориб, достончилик анъаналарига амал қилган ҳолда беқиёс намуналар яратди. Қаҳҳор бахши куйлаган достон қаҳрамонлари тасвирда жонли хатти-ҳаракатлари, содда, халқона, беқиёс хусусиятларни ўзида яққол бадиий ифодалаганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бахши ўзининг қобилияти билангина эмас, доимо изланиши, ўрганиши, узоқ асрлик анъаналарни муқаддас билгани ва уни бойитишга ҳаракат қилиши билан ҳурмат эътиборга сазовор бўлди. У Қашқадарё - Сурхондарёдагина эмас, бутун Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистонда ҳам достончиликнинг давом этишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Қаҳҳор бахши анъанавий достонлар куйлаш билан бир қаторда, индивидуал достонлар ҳам яратган маҳоратли бахшилардан саналади. Бу ҳақда А.Эргашев шундай маълумот беради: “Қаҳҳор бахши индивидуал ижодий достонлар яратиш ўзининг қобилиятли, эпик билимга эга, бадиий – эстетик тафаккури юқори

эканлигини, дostonчиликда кўпгина анъаналарининг, урф-одатларнинг, миллий қадриятларни билишини намоён этди.”¹¹

Дарҳақиқат, Қаҳҳор баҳши ота мерос истеъдодга эга бўлиб, олий маълумотли адабиёт ўқитувчиси экани ижод қилишда фақат анъанавий терма ва дostonларни ижро этишга эмас, балки индивидуал замонавий терма ва дostonлар яратишга ҳам ундади. Қаҳҳор баҳши репертуарида анъанавий дostonлардан ташқари баҳшининг ўзи яратган қатор тарихий, замонавий, ахлоқий дostonлари мавжудки, уларни ўрганиш ва тадқиқ этиш баҳши маҳоратининг нечоғли эканини билиб олишимизга кўмак беради.

Қаҳҳор баҳшининг ўзи яратган дostonларнинг юзага келишига кўра бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ёзма адабиёт ҳамда бадий асарлар таъсирида шаклланган дostonлар – “Алишер Навоий Самарқандда”, “Темур ва Боязид”, “Гавҳари Хуштар”;

2. Халқ афсоналари ва ривоятлар таъсирида шаклланган дostonлар – “Гулоҳ”, “Варахша ва Гулшоҳ”, “Кўнгирот”;

3. Ижтимоий-маданий ҳаёт ва мамлакат равнақи таъсирида шаклланган дostonлар – “Истиқлол”, “Самарқанд таровати”, “Қодир баҳши ҳақида дoston”.

Мазкур дostonларнинг мавзу кўлами ҳам турлича бўлиб, уларни тарихий, автобиографик ва ахлоқий турларга бўлиш мумкин. Бинобарин, Қаҳҳор баҳши репертуаридаги “Алишер Навоий Самарқандда” дostonи ўзининг тарихийлиги ва ахлоқийлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Баҳши мазкур дostonни бевосита талабалик ва ўқитувчилик фаолияти давомида буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ҳақида олган билимлари ва унинг ижоди таъсирида яратган. Қалаверса, дostonнинг яралишида халқ ривоятлари, Алишер Навоий ҳақида яратилган илмий оммабop рисолалар, китоблар ҳам сабаб бўлган бўлиши мумкин. Агар, эътибор қилинса, баҳши дoston сюжетида Алишер Навоий ҳаёти хронологияси ва тарихий воқеликка алоҳида аҳамият беради. Дoston Султон Абусаиднинг Ҳиротни эгаллаши, унинг жоҳил ва золимлиги ҳамда Ҳусайн Бойқаронинг унга қарши кураши воқеалари билан бошланади.

Алишер Навоийнинг Бойқаро билан мактабдош дўстлиги, шоирнинг оиласига таҳдид ва ўзининг Самарқандга сургун қилиниши, унинг Самарқандда шоир бўлиб танилиши, иззату-шарафга эга бўлиши ишонарли бадий тарзда баён этилади. Дostonдаги шоир ҳовлисидаги тинтув, Амир Темурни икки бора тушида кўриши, муҳаббати бўлган Гулираъно, шоира қиз Асалоӣ, Амударё бўйидаги туркий навкарлар, Бойқаро шоирнинг укаси Дарвешали ва унинг маъшуқаси Нафисахоннинг ҳимоя қилиши каби воқеалар баҳши хаёлоти ўлароқ юзага келган ёки Алишер Навоий ҳақидаги халқ ривоятлари сабаб бўлган, дейиш

¹¹ Эргашев А. Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилигининг умумўзбек эпоси тараққиётидаги ўрни. – Тошкент: Фил.фан.док.(DSc).дисс. 2004. –Б.133.

мумкин.

Достон образлари ҳам ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади. Яъни, ҳаётдаги прототипи мавжуд бўлган бадий образлар: Амир Темур, Улуғбек, Умар Шайх Мирзо, Абусаид Мирзо, Ҳусайин Бойқаро, Дарвешали, устоз Абулайсий, Улой Шоший, Ҳожи Суғдий, Қутиб Самарқандий, Аҳмад Ҳожибек каби Алишер Навоий ҳаётида маълум бир таъсир ўтказган тарихий шахслар образи бўлса, шоир ижоди ўлароқ ҳосил бўлган тўқима образлар: Тиловмор, Очилдов, Нурмат аравакаш, Эрмат мерган, Жовкаш жаллод, Берди бобо, Берди бахши, Гулираъно, Асалоӣ, Нафисахонлар саналади.

Достонда Алишер Навоий дастлаб боғда Гулираъно билан учрашуви фониданамоён бўлади. Бу воқеада Иззат Султоннинг “Навоий” драмаси таъсирини кўриш мумкин. Бахши улар учрашувини анъанавий халқ достонларидаги тасвирлар каби саъж воситасида ифода этади: “Суюклисининг қоп-қора сочлари қирқта қилиб ўрилган, ҳар ўримиға гўё қирқ иқлим жойлашгандай, Ой мисоли юзида жаннат тасвири сирлашгандай, маъшуқанинг бир жуфт кўзлари муҳаббатнинг қўш камари бўлиб бўйлашгандай, қошлари кўз устида таранг тортилган ёй каби найза киприклари билан сўзлашгандай, кўкрак устига макон қуриб олов сочаётган икки кўриқчи чўлпони тирлашгандай.”¹²

Алишер Навоий достонда нафақат шоир, садоқатли ёр, чин дўст ва суюкли фарзанд қиёфасида келади. Алишер Навоий ҳақида яратилган барча бадий асарларда унинг онаси яққол кўзга кўринмайди. Бироқ, Қахҳор бахши достонида шоирнинг онаси сюжет тутиб турувчиси сифатида номоён бўлади. Бунга сабаб, достонда ўзбек характери, ҳаёти ва турмуши тўла номоён булаётгани ва бахши “мен”ининг ифодаси мавжудлигини кўриш мумкин. Одатда бадий асарнинг бош қаҳрамонида ижодкор сийрати яширинган бўлади. Қахҳор бахши яратган Алишер Навоий образида ҳам содда халқ бахшисининг аксини кўриш мумкин:

Сен йиғласанг, эна, боврим бўшайди,
Суякларим ҳар бўғнидан қақшайди.
Ҳаммамиз ҳам бу дунёда меҳмонмиз,
Қўй, ўксима, қараб қалбим шовшайди.

Ёки шоир Ҳиротни тарк этар экан, она юртига мурожати ҳам бахшининг ўз тилидан айтгандек кўринади:

Ёмон фарзанд отасига солиқдир,
Уйни равшан қилган мойли пиликдир.
Мурувватни билмас элнинг султони,
Ҳиммати йўқ одам тирик ўликдир.
Ватанимдан жудо қилди ғайрлар,
Тожу тахтни талаб ётса суйрилар.

¹² Раҳимов Қ. Алишер Навоий Самарқандда, достон . 2025.

Эл-улусни хор қилмагин, Худойим,
 Бу қора тун қачон тонгга уйрилар,
 Мени асло унитмагин Ҳиротим.

Достонда Алишер Навоий сифатлари образлар эътирофи билан очиб берилади. Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек эътирофи:

Юзини фаришта макон айлаган,
 Сўзига Худойим жаннат бойлаган.
 Шунчалар илмни қайдан олган бу,
 Яратган оламда шуни сийлаган.
 Ёки устози Абулайсий эътирофи:
 Шеър ўқиса улкан тошлар эрийди,
 Ҳимматидан элга Хизр дорийди.
 Тафаккури осيون билан баробар,
 Ҳар бир сўзи қўй мойидай порийди.

Достон услуби, банди ва қофияланиши анъанавий халқ достонларидан кўра кўпроқ бадий адабиётдаги ёзма достонларга монанд. Бу бахшининг адабиёт ихлосманди ва шоиртаб бўлганлиги сабабдир.

Қаҳқор бахшининг яна бир тарихий достони ўзбек халқининг тасаввуф оламида чуқур из қолдирган шайх Аҳмад Яссавий ҳақидаги “Гавҳари Хуштар” достонидир. Достон ҳажман анча кичик бўлса ҳам Яссавия тариқатининг асосчиси, тасаввуф таълимотининг йирик вакили шоир Аҳмад Яссавийнинг ҳаёт йўли бадий тарзда ифода этилган:

Шамол каби ўтар одам умири,
 Фарзандлининг минг йилгача томири,
 Худойимнинг бил Ҳимолай Помири,
 Бозридаги қордан айрилмадими?
 Одамзоднинг оқибати шул бўлар,
 Ота кетса, изин босган ул бўлар,
 Доно элни ардоқлаган эл бўлар,
 Нодон инсон элдан айрилмадими?

Мазкур достонда Аҳмад Яссавий ҳикматларининг таъсири аниқ кўриниб туради. Бахши сатрларида Яссавий ўғитларини ўз услубида сингдириб баён этади:

Сен доим Аллоҳнинг ишқида ёнгин,
 Кўнгли пок донолар меҳридан қонгин.
 Эътиқод ва иймон юкини ол-да,
 Валий бўл болама, нодондан тонгин.
 Достондаги мазкур мисралар Аҳмад Яссавийнинг:
 “Дуо қилинг нодонларнинг юзин кўрмай,
 Ҳақ таалло рафиқ бўлса, бир дам турмай,

Бемор бўлса, нодонларнинг ҳолин сўрмай,
 Нодонлардан юз минг жафо кўрдим мано”¹³, деган пурмаъно сатрларини эслатади.

Қаҳҳор бахшининг ўзига хос яратувчанлик маҳоратини кўрсатадиган яна бир тарихий асари “Темур ва Боязид” достони саналади. Мазкур достон ҳам бевосита бахшининг ўқиб, ўрганган билимлари ва бадий адабиёт таъсири сабаб юзага келган, дейиш мумкин.

Шу ўринда истиқлол даврининг дастлабки йилларида ўзбек фольклори, қолаверса, Сурхондарё-Қашқадарё достончилик мактаби вакиллари ижодида бир ёқламалик, сунъийлик авж олди. Бинобарин, фольклоршунос олим Н.Очилов таъкидлаганидек: “Кейинги даврда устоз-шогирдлик анъаналарига амал қилмаслик, бахшичиликни ўзларича касбга айлантирган ёшларнинг терма, достонлардан парчалар айтишлари, терма ва достон яратишлари достончилик анъаналарининг сўниши ва маълум ўзгаришларга олиб келди. Бундай ҳолатлар достон сюжетини мураккаблаштириш (ёзма адабиёт кўриниши асосида тасвирлаш), бахшининг барча билганларини бир достонга тиқиш, мавжуд вариантлардан бошқачароқ қилиб айтишга интилиш, бир достонга хос эпизодларни бошқасига кўчириш каби ҳолатларда ҳам кўзга ташланмоқда. Бу эса достон ижроси, унинг вариантларида қандайдир қурамалик, ҳатто бир-бирига зид тасвир пайдо қилмоқда. Эпик анъанани сақлай олмаслик ёки билиб-билмасдан достон воқеаларига истаган кўшимчаларни бирлаштириш достончиликда сифат ўзгаришига эришилди дегани эмас, балки маълум давр ижроси учун юзага келган вақтинчалик ҳолатлардандир. Албатта, бахши “истагани”ни айтганда юз берадиган кўриниш унинг истеъдодидан дарак бермайди... Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома”си ва бошқа бир қатор асарлар бахшилар репертуарида Амир Темур сиймоси билан боғлиқ достонларнинг ижро этилиши ва жонланишига сабаб бўлди. Натижада биз юқорида тилга олган саркарда ҳақидаги достонлар “ясал”ди ва ижро этилди.”¹⁴.

Дарҳақиқат, бу пайтда халқ бахшиларига баъзи “фольклоршунос”лар томонидан буюртма асосида достон куйлатиш, мафкура ва замонга қараб замонасозлик қилиш ҳолатлари кузатилади. Бундай ҳолат ўзбек фольклоршунослигида олдинроқ ҳам содир бўлган эди. Жумладан, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг “Ўртоқ Ленин”, Фозил Йўлдош ўғлининг “Комсамолка Ойтўти”, Ислом шоирнинг “Ҳасан батрак” каби достонлари худди шу ҳолат асосида юзага келган. Мазкур достонлар замон талаби билан буюртма асосида яратилган бўлса-да, бахши бадий маҳоратини аниқлашга монелик қилмайди. Балки, бахши индивидуал ижодининг салмоғини аниқлашда хизмат қилади.

¹³ Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. –Т.: Наврўз, 2018. –Б.128.

¹⁴ Очилов Н. XX асрнинг 60-80-йилларида Жанубий Ўзбекистон воҳасида халқ эпик анъаналарининг сақланиш ҳолати. - Тошкент: Фил.фан.номз.дисс. 2004. –Б.173.

Истиқлол йилларида юртимизга тарихий шахсларнинг номини қайта тиклаш ва улуғлашга рухсат этилиши муносабати қатор бадиий асарлар юзага келди. Муҳаммад Алининг “Соҳибқирон” романи, Омон Матжоннинг “Амир Темур” ва Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” каби драмалари ёзилганидек. Бахшилар ҳам шу мавзуда дoston куйлади. Жумладан, Қўзи бахши Қултураевдан “Соҳибқироннинг туғилиши”, “Амир Темурнинг ёшлиги” дostonлари А.Эргашев томонидан ёзиб олинган ва нашрга тайёрланган¹⁵. Бироқ, бу дostonларнинг эпик ижрочиликда кенг тарқалмагани ва вариантлашмагани уларнинг сунъий яратилганидан далолат беради.

Қаҳқор бахши Раҳимовнинг репертуаридаги мазкур дostonнинг яратилиш даври ҳам шу дostonларнинг пайдо бўлиш даврига тўғри келади. Бироқ, дoston воқеалари баёнида бахши индивидуал маҳоратини бадиий услубини кузатиш имконини беради.

Дoston анъанавий дostonлардаги каби Амир Темурнинг муболағавий тасвирининг саж кўриниши билдан бошланади. “...ёши олтмишни қоралаган, соқолига беҳишт оралаган, алдамчини, фирибгарни сўзи билан яралаган, айтган сўзи бир, кўзи ўткир, бўйи ўрта, мурти бурта, бургут қабоқ, шерюрак, қоплон билак, гавдаси кенгиш, мардга сўзи беҳишт ёши ўрта эди. Курак боши болта эди, бунга ёмонлик қилганнинг умри калта эди. Ҳарбий қилич қўлида ўйнар, душманларини қийнар, овқатланса эринмай чайнар эди. Зарбаси душманга етган, қиличини зарб билан урса пўлатга тўрт энли ботган. Кимсан – Амир Темур бўлиб, номи жаҳонга тарқаб кетган” ҳукмдорнинг тарихчилар билан мулоқоти воқеаси билан бошланади. Шу кечқурун Соҳибқирон туш кўради. Тушида пири бўлган Баҳовуддин намоён бўлиб, бир пайтлар Гуржистонда Буқрот подшоҳга асир тушган мусулмонларни озод қилишини айтади. Амир Гуржистонга элчи юбориб мусулмонларни озод қилишни сўрайди, бироқ Буқротдан “Мусулмонларнинг зиндонидан чиқаришим, Темурнинг боши билан баробар”, - деган жавобни олгач, Темур қўшин тортади. Бу оради Темурнинг невараси Султон Муҳаммад тушида Рум подшоси Боязиднинг қизи Севинчбонуни кўриб севиб қолиш воқеаси кўшилади.

Темур мусулмонларни озод қилиб қайтар экан, йўлда Боязиддан шикоят қилиб келаётган Сангул исмли аёлни учратади, у Боязитнинг қилмишларини ўғли Давлатни навкарликка олгач беиз йўқолганини айтиб Темурдан ёрдам сўрайди. Воқелар ривожига Амир Темурнинг икки сотқин навқари Султон Аҳмад билан Қора Юсуф Боязид томонга қочиб ўтади. Амир Темур Боязидга мактуб йўллаб хоинларни қайтаришни сўрайди. Боязид рад жавоб қайтаради ва Амир Темурни ҳақоратлайди. Жанг таклиф қилади. Жанг Амир Темурнинг ғалабаси

¹⁵ Соҳибқироннинг туғилиши. Дoston Айтувчи Рўзи бахши Қултураев, ёзиб олиб нашрга тайёрловчи А.Эргашев – Қарши: Насаф, 1993., Амир Темурнинг ёшлиги. Дoston. Айтувчи Чори бахши Умиров, ёзиб олиб нашрга тайёрловчи А.Эргашев. – Қарши: Насаф, 2011.

билан якун топади, бироқ хоин Қора Юсуф томонидан Темурнинг невараси Султон Муҳаммад ўлдирилади. Амир Темур сафар чоғида жаҳонгирлар ҳикмати жо бўлган “Тобути сакинат”нинг сирларини билади ва невараси жасадини олиб юртга қайтади.

Достонда Амир Темурнинг кексайган чоғи ва ўғлидан ёдгор бўлиб қолган невараси Султон Муҳаммаднинг тахт вориси сифатида тарбиялаши, алал оқибат барча умидларининг поймол бўлиши билан якунланади:

Агар билсанг дунё ўтар бошма бош,
Ғам тушганда кўздан оқар селоб ёш,
Онангни Ой билгин, отангни Қуёш,
Отанг турган томнинг устига чиқма.

Амир Темур неварасига қилган пандларида халқона мақоллару- насиҳатлар берилади:

Донолар ишини доим зўр қилар,
Яхши фарзанд онасини ҳур қилар,
Нонни хор қилмагин кўзни кўр қилар,
Буғдой донасининг устига чиқма.
Беморни кўрганда ҳолини сўра,
Мард бўлсанг ғарибнинг кунига яра,
Сафарга жўнасанг отингга қара,
Йўлдошинг синамай сафарга чиқма.

Кўринадики, Қаҳҳор бахши образ яратишда унинг ёши насабидан келиб чиқиб ўзбекона характер яратади. Амир Темурни ҳам юрт отаси сифатида ўта доно ва тадбирли ҳукумдор сифатида тасвирлайди.

Қаҳҳор бахши достонлари таркибида отаси Қодир бахши ҳаёти ва унинг бевақт вафоти билан боғлиқ бўлган оғир армонлари битилган “Қодир бахши ҳақида достон”и ўзининг оҳорли мисралари билан ажралиб туради.

Қаҳҳор бахши отаси Қодир бахши образини яратар экан, уни ўзбек халқ бахшиларининг типик образи сифатида тасвирлайди:

Бахши бўб даврада тошиб куйлади,
Элнинг мардларини жўшиб сўйлади.
Қўлида созини чунон сайратиб,
Эл-элат барининг қалбин жойлади.
Авж олса сасига тошлар йиғлайди,
Қошидан кетолмай қушлар йиғлайди.
Одамни сел қилиб юборди Қодир,
Тошини қум қилиб тоғлар йиғлади.

Мазкур достонда Қаҳҳор бахши ўзи гувоҳи бўлган, отаси ҳақида элда пайдо бўлган ривоятлардан, отаси ижро этган достонлардаги тасвирлардан фойдаланади. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, достон фольклоршунос олим

Малик Муродов таклифи билан яратилган. Малик Муродов Қаҳҳор бахшига таъзия ва таскин билдириш мақсадида мактуб йўллаган ва отаси ҳақида дoston яратишни маслаҳат берган. Бу ҳақда А.Эргашев шундай маълумот беради ва олим мактубини ҳам айнан келтиради¹⁶. Дoston давомида Қаҳҳор бахши ҳам ота, ҳам бахши образини маҳорат билан акс эттира олган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Қаҳҳор бахши нафақат анъанавий дostonлар куйловчиси устозода бахши, балки ўз йўли, ўз услуби ва ўз маҳоратига эга бўлган маҳоратли шоир ҳамдир. Бахши яратган индивидуал ижодига хос дostonлар ўзининг бадий тузилиши, образлар олами ва тасвирлар кўлами билан халқ бахшилари томонидан яратилган дostonлар орасида алоҳида эътибор ва ўринга эга.

Баъзан устоз бахши замона зайлига ва олимлар бардор-бардорига ишониб қолса ҳам, Жанубий Ўзбекистон дostonчилик анъаналарини сақлаб келаётган, Шеробод дostonчилик мактаби вакилларининг бошини тутиб турган ҳамда мактабнинг келажак авлодларини тарбиялашда беминнат хизмат қилиб келаётган устоз бахшидир. У куйлаётган дostonларда қадимий нолалар ҳам, замонавий оҳанглар ҳам мужассам. У дўмбирасига содиқ, аҳдига собит ва бағри бутун ўзбек халқ бахшиси саналади. Бунинг исботи бахшининг қатор давлат мукофотлари ва орден-медаллари билан тақдирлангани ҳамда халқ эътирофи саналади.

Қаҳҳор бахши Раҳимов Шеробод дostonчилик мактабининг устоз бахши-шоирлари - бобоси Турди шоир, тоғалари Ҳазраткул бахши, Нормурод Ражаб ўғли ва отаси Қодир бахши каби буюк бахшилардан илк дostonчилик сабоғини олишига қарамасдан, ўз даврининг моҳир бахшиларидан ҳам кўп билимларни олиб дostonчилик анъанасини ўзлаштирган.

Қаҳҳор бахши эпик анъаналар ўрганиш ва ижро этиш билан бирга ижод қилди ва изланди у репертуарини:

а) олий маълумотга эга бўлгани боис доимий чоп этилган дostonларни ўқиб ёд олиб ўзлаштирган ва репертуарини кенгайтира борган;

б) республика ва халқаро доирадаги беллашувлар, айтишувлар ҳамда тўй маъракаларда иштирок этиш жараёнида ўша худуд, бахшиларининг ижро усуллари, репертуарларини ўзлаштира борган;

с) ижодкор бахши сифатида ўзи ҳам замонавий индивидуал дostonлар яратган ва фольклоршунослар эътирофига сазовор бўлган.

Анъанавий дoston куйлаш йсулларини масъулият билан ўрганган Қаҳҳор бахши Раҳимов устозлари анъанасига содиқ қолган ҳолда, бадиҳагўйлик қобилиятини ишга солиб, “Келиной”, “Ёдгор”, “Хон Далли”, “Ғуппоной” каби дostonларнинг яхлит ўз вариантларини яратди ва Шеробод дostonчилик

¹⁶ Эргашев А. Бахши бадиияти. –Қарши: Насаф, 2015, - Б.110.

анъаналарини давом эттирди.

Қаҳҳор бахши ўзбек халқ анъанавий термаларини ёд олиб шогирдларига ўргатиши баробарида индивидуал ижодига мансуб янги термалар яратди. Термаларида Ўзбекистон, унинг меҳнаткаш халқини тараннум этди. Ахлоқий мавзудаги термаларини куйлаб халқ орасида доврўф қозонди.

Қаҳҳор бахши репертуарида олтмишга яқин анъанавий халқ достонлари мавжуд бўлса, ўндан ортиқ ўзи яратган индивидуал замонавий достонлари бор. Мазкур достонлар маълум бир сабаблар, турли талаблар билан яратилган бўлса ҳам, ўзининг бадиияти ва композицион қурилиши билан ўзбек достончилиқ анъанасини бойитишга хизмат қилмоқда ва шогирдлари репертуаридан ҳам ўрин олган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Эргашев А. Қашқадарё-Сурхондарё достончилигининг умумўзбек эпоси тараққиётидаги ўрни. – Тошкент: Фил.фан.док.(ДСс).дисс. 2004.

2.Раҳимов Қ. Алишер Навоий Самарқандда, достон . 2025.

3.Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. –Т.: Наврўз, 2018. –Б.128.

4.Очилов Н. XX асрнинг 60-80-йилларида Жанубий Ўзбекистон воҳасида халқ эпик анъаналарининг сақланиш ҳолати.-Тошкент: Фил.фан.номз.дисс. 2004.

5.Соҳибқироннинг туғилиши. Достон Айтувчи Рўзи бахши Қултўраев, ёзиб олиб нашрга тайёрловчи А.Эргашев – Қарши: Насаф, 1993., Амир Темурнинг ёшлиги. Достон. Айтувчи Чори бахши Умиров, ёзиб олиб нашрга тайёрловчи А.Эргашев. – Қарши: Насаф, 2011.

6. Эргашев А. Бахши бадиияти. –Қарши: Насаф, 2015.